Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 26 декабрь шанба

Сотувда эркин нархда

№ 254 (2035)



## БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЎН УЧИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА

## АХБОРОТ

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг*

*ҚАРОРИ*

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 1999 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган, муҳокама давомида Олий Мажлис депутатлари билдирган таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда қўшимча равишда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги Давлат бюджетининг лойиҳасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги Давлат бюджети бюджет тақчиллигининг энг юқори даражаси (мақсадли фондлар бунга кирмайди) ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 3,0 фоиз миқдорида белгиланган ҳолда маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

макроиқтисодий барқарорлик янада мустаҳкамланишини ва мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга, саноатда ва қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришларни амалга оширишга, ижтимоий сиёсатни рўёбга чиқаришга маблағлар устувор тарзда ажратилишини таъминласин, бунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини, соғлиқни сақлашдаги ислоҳотларни, шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кучайтирилишини ўз вақтида ва тўлиқ молиявий таъминлашга алоҳида эътибор берсин;

Давлат бюджетининг тақчиллигини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг кредитлари, Давлат қимматли қоғозларини жойлаштиришдан келадиган даромадлар, Давлат мулкини хусусийлаштиришдан олинадиган тушумлар ва зарур бўлганда, пулнинг қадрсизланиши билан боғлиқ бўлмаган бошқа манбаалар жалб этилишини назарда тутсин;

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда бюджетнинг 1999 йил биринчи чораги, биринчи ярим йиллиги ва тўққиз ойидаги ижроси якунлари бўйича, зарур бўлганда, Давлат бюджетининг ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан белгиланган тақчиллиги миқдори доирасида даромадлар ва харажатлар бўйича бюджетнинг асосий кўрсаткичларига аниқликлар киритиб борсин;

Олий Мажлисга, қоида тариқасида, йилнинг ҳар чорагида Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги Давлат бюджети ижроси тўғрисида ҳисобот тақдим этсин.

3. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

бюджетга тўловлар барча манбаалар ҳисобига тўлиқ тушишини;

харажатлар маҳаллий бюджетлардан ўз вақтида ва тўлиқ маблағ билан таъминланишини;

маблағлар белгиланган мақсадга мувофиқ фойдаланилиши устидан қаттиқ назорат қилинишини ҳамда маҳаллий бюджетлар ижросини йилнинг ҳар чорагида кўриб чиқилишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Давлат бюджети тақчиллигини қоплаш учун ялпи ички маҳсулот ҳажмининг бир фоизи миқдорида кредитлар бериб борсин.

5. Республика Давлат бюджетининг 1999 йил 1 январдаги ҳолатига кўра амалдаги тақчиллиги суммасининг Марказий банк кредитлари ҳисобидан қопланган қисми давлат ички қарзининг кўпайиши ҳисобига ўтказилсин.

Белгилаб қўйилсинки, 1999 йил 1 январдаги ҳолатга кўра давлат ички қарзи 1999 йилдан эътиборан 10 йил мобайнида тенг улушлар билан республика бюджети ҳисобидан тўланади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри, 1998 йил 25 декабрь.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси 25 декабрда ўз ишини давом эттирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сессия ишида иштирок этди.

Сессияни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов бошқарди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н. Исмоилов депутатларнинг кўриб чиқиши учун иккинчи ўқишда Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини тақдим этди. Андижон вилояти Избоскан тумани ҳокими С. Бегалиев, Жиззах вилоят болалар шифохонаси бош врачи Х. Алимова, Фарғона вилояти Ёзёвон туманидаги 1-интернат-лицей ўқитувчиси А. Мадаминов, парламентнинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Ў. Дониёров нутқидан сўнг Олий Мажлис Адвокатлик фаолияти кафолатлари ва адвокатларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунни қабул қилди.

Олий Мажлиснинг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Ш. Жўраев депутатларга Ўрмон тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди.

Шу қонун лойиҳаси тўғрисида "Ўзбекистон овози" ва "Голос Узбекистана" газеталарининг бош муҳаррири А. Суюнов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси, Ўзбекистон халқ шоири А. Орипов ўз фикрини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу масала юзасидан сўзга чиқди. У ўрмоннинг халқ хўжалиги, экология, тарбия ва эстетика соҳаларидаги аҳамияти жуда катталигини, одамларнинг, айниқса ёшларнинг ҳаёти ва саломатлиги учун ўрмон жуда муҳимлигини таъкидлади. Республикамизнинг ҳар бир фуқароси, деди Президент, ўрмон халқнинг бебаҳо мулки, табиат эҳсон қилган буюк бойлик эканини чуқур ҳис этиши лозим. Уни асраш ва кўпайтириш, келажак авлодлар учун сақлаб қолиш муштарак вазифамиздир. Шу билан бир вақтда давлат бошлиғи дарахтларни асоссиз кесиб ташлашга ва иншоотларни қуриш чоғида, бошқа хўжалик фаолиятида дов-дарахтларни йўқ қилиб ташлашга йўл қўйиб бўлмаслигини таъкидлади.

Парламент қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади ва уни халқ муҳокамасига қўйишга қарор қилди.

Парламентнинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў. Ҳошимов депутатларга Реклама тўғрисидаги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда тақдим этди. Шу масала юзасидан Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг котиби Т. Файзуллаев, Самарқанд тумани ҳокими Р. Ҳакимова, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими тил ва адабиёт институтининг бўлим мудири Ҳ. Ҳамидов, Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани ҳокими Р. Сиддиқов сўзга чиқди. Депутатлар Реклама тўғрисидаги қонунни тасдиқладилар.

Саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш қўмитаси раиси И. Кочмарик сессияда Радиочастота спектори тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Электроника институти директори Ў. Расулов, Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани ҳокими А. Абдувосиқов, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш акциядорлик бирлашмасининг бош директори В. Кучеров, Сирдарё вилояти Ширин шаҳри ҳокими И. Эрбеков иштирок этди. Парламент қонунни тасдиқлади.

Сўнгра Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоилов депутатларга Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун лойиҳаси янги таҳририни тақдим этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу масала юзасидан сўзга чиқди. У мамлакатимиз ҳаётида маҳалланинг алоҳида аҳамиятини таъкидлаб, фуқаролик жамиятини қуриш айрим ҳокимият вазифаларини давлат органларидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига аста-секин топширишни кўзда тутишини айтди.

Давлат бошлиғи ижтимоий ўзини ўзи бошқаришни ривожлантиришнинг учта асосий йўналишини белгилаб берди. Биринчидан, маҳаллий ҳаётга доир масалаларни ҳал қилиш учун бу органларга кенг ваколат бериш, иккинчидан, улар зиммасига юклатиладиган вазифаларни қонун билан мустаҳкамлаб қўйиш ва шу йўл билан уларнинг нуфузини ошириш, учинчи йўналиш, ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ.



**СУРАТДА: депутатлардан бир гуруҳи.**

Президент қонун лойиҳаси янги таҳрирининг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб, депутатларнинг эътиборини аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун бюджетдан ажратиладиган маблағни тақсимлаш ишида оқсоқолларга кафолот, аҳоли коммунал хизмат ҳақини тўла тўлашини ташкил этишда юқори натижаларга эришган ўзини ўзи бошқариш органларининг ходимларини рағбатлантириш бўйича кенг ҳуқуқлар беришга қаратди. Тўловларнинг юз фоиз тушуми таъминланса, унинг бир қисмини маҳалла тасарруфи учун бериш кўзда тутилмоқда. Даромадлари бу хизматларга ҳақ тўлаш имконини бермайдиган оилаларга ёрдам кўрсатиш зарурлигига эътибор қаратилди. Маҳаллаларда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлашга жамоатчиликни жалб этиш, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини бутун чоралар билан ошириш зарурлиги алоҳида қайд этилди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун лойиҳасини барча даражадаги депутатлар иштирокида батафсил муҳокама қилиш, одамларнинг фикрини, уларнинг қатъий фуқаролик мавқеини аниқлаш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Олий Мажлис қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Депутатлар Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Ф. Муҳитдинованинг нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақидаги маърузасини тингладилар ва уни биринчи ўқишда маъқулладилар.

Парламентнинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раиси Х. Тошевнинг маърузасидан сўнг депутатлар Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунни тасдиқладилар.

Сўнгра Олий Мажлис парламент ўн учинчи сессияси котибияти раҳбари Ш. Аллаэаровнинг сессия иши кунларида тушган мурожаатлар тўғрисидаги ахборотини тинглади.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг бир қанча давлатлараро битимларини ратификация қилди, ўз ваколатларига оид бошқа айрим масалалар юзасидан қарор қабул қилди.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси шу билан ўз ишини якунлади.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

### Истеъмол товарларининг айрим турларини олиб келиш ва олиб чиқиб кетишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

***Республика истеъмол бозорида мувозанат сақланишини ва барқарор тўлдирилишини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, шунингдек, товарларнинг айрим турларини қонунга хилоф равишда олиб кетилишининг олдини олиш мақсадида:***

1. Юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига белгиланган тартибда олиб келинаётган товарлардан импорт бож тўловлари ундириш 1999 йил 1 январдан бекор қилинсин.

2. "Ўздавстандарт", Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги келтирилаётган истеъмол товарлари сифати устидан қаттиқ назорат ўрнатиб, уларга тегишли сертификатлар ва рухсатномалар ўз вақтида берилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги экспорт қилиш тақиқлаб қўйилган товарларни қонунга хилоф равишда олиб чиқиб кетиш ҳолларига чек қўйиш юзасидан қатъий чоралар кўрсин.

Белгилаб қўйилсинки, экспорт қилиш тақиқланган товарларни юридик ва жисмоний шахслар (резидентлар ва норезидентлар) қонунга хилоф равишда олиб чиқиб кетиши ҳоллари аниқланган тақдирда айбдор шахслар амалдаги қонунларга мувофиқ маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилади.

4. Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси божхона хизматининг кўчма божхона постлари сонини кўпайтириб, қўшни давлатлар билан чегаралардаги дала йўллари ва айланма йўллар орқали товарларни қонунга хилоф равишда олиб чиқиб кетиш устидан назоратни кучайтирсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ҳафта муддатда:

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда истеъмол товарларини Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан қонунга хилоф равишда олиб чиқиб кетганлик, шунингдек, импорт қилинадиган товарларни сотишнинг белгилаб қўйилган тартибини бузганлик учун юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида белгиланган тартибда таклиф киритсин;

амалдаги қонунчиликни ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

6. Экспорт қилиш тақиқланган товарларни қонунга хилоф равишда олиб кетиш ҳолларининг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига кўмаклашиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситаларини жалб этиб, аҳоли орасида кенг тушунтириш ишларини олиб борсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 1997 йил 10 октябрдаги ПФ 1871 сонли Фармонига 5-сонли илова матнидан "сионизм" сўзи чиқариб ташлансин.

8. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1998 йил 25 декабрь.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

### Давлат-тижорат Халқ банкини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

***Халқ банки омонатчиларининг манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, унинг активлари банк фаолиятининг халқаро андозаларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида:***

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ва Халқ банкининг Халқ банки низом жамғармасини уч миллиард сўм миқдорида белгилаш, унинг манбааларини қуйидаги улушда шакллантириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (51 фоиз) — 1,53 миллиард сўм;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (49 фоиз) — 1,47 миллиард сўм.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига Халқ банки ресурсларини фуқароларнинг омонатлари тўла сақланишини кафолатлайдиган, талаб катта бўлган, ишончли ва кўп даромад келтирадиган сарфларга жойланишини таъминлаш тавсия этилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Халқ банкини 2002 йил 1 январига қадар барча турдаги солиқлардан озод қилиш, бўш маблағларини банк инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

4. Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки билан биргаликда ушбу Фармон қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармонни бажариш юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1998 йил 25 декабрь.

## СЎЗ — СЕССИЯ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

### ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

***Муҳаммадмўйдин РАҲМОНОВ, 52-Куйганёр сайлов округидан депутат:***

— Сессия ишчанлик руҳида ўтди. Кун тартибига киритилган барча масалалар Олий Мажлис қўмиталарида атрофлича ишлаб чиқилгани, депутатлар сессияга пухта тайёргарлик билан келганликлари бунинг омили бўлди. Умуман жамиятимиз тараққиётига хизмат қиладиган, ҳаётий зарурат бўлган қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

"Ўрмон тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда маъқулланди. Бу ҳақда республикамиз Президенти ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, боғларимиз, ўрмонларимиз қанча кўпайса, табиатимиз экологик жиҳатдан шунча тоза, мусаффо бўлади. Бу албатта одамлар саломатлигига ижобий таъсир қилади, сунъий дори-дармонларга эҳтиёж қолмайди. Табиатни, ўсимлик дунёсини севган, ундан маънавий завқ олиб ҳайратга тушган одамгина соғлом фикрли, баркамол инсон бўла олади.

Чиндан ҳам она табиатни севмаган, ардоқламаган одам ўзининг қадрига ҳам етмайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, ушбу қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига қўйилиши муҳим аҳамият касб этади. Сессияда муҳокама қилиниб, биринчи ўқишда маъқулланган бошқа ҳужжатлар ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин.

### АДОЛАТ НУРИ

***Холида АЛИМОВА, 67-Жиззах сайлов округидан депутат:***

*— Биз бугун шундай замонда яшаяпмизки, бу кунларни аждодларимиз асрлар мобайнида орзу қилиб келди. Бу бир буюк ҳавас эди. Не бахтки, шундай ойдин ва эркин кунлар бизнинг бугунги авлодлар қўлида. Биз бугун янги давр, янги тарих, янги цивилизация замонида яшаяпмиз. Таъбир жоиз бўлса айтиш мумкинки, бугун халқимиз қайта туғилди. Барчамиз қонун билан яшаш, у билан иш кўришга одатланаяпмиз. Чунки ушбу ҳужжатларда ҳақ-ҳуқуқларимиз ҳимояланди. Қабул қилинган қонунлар озод юртимизнинг дунёда ўз ўрни борлигини таъминлади. Ҳур ва мустақил давлат бўлиб, жаҳонда барча ҳалқлар қатори теппа-тенг яшаш бахтини берди. Ўзингиз ўйланг, истибдод замонида қонунларга муносабат қандай эди? Унга итоат қилиш ҳақида гап бормиди ўзи? Йўқ, албатта. Парламентимиз қабул қилаётган ҳуқуқий ҳужжатларда эса қонун халқнинг таянчи деган мантиқ бор. Бугун ўз ишини якунлаган Олий Мажлис сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилдаги Давлат бюджети, "Уй-жой кодекси", "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги каби кўплаб ҳужжатлар ҳам бу йўлда қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди. Уларда эртанги кунга бўлган ишонч, ҳақ-ҳуқуқларимиз муҳофазасини кўриш мумкин.*

### ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

***Маҳамаджон ХУДОЁРОВ, 165-Янгийўл сайлов округидан депутат:***

— Мустақил юртимизда кунаро жаҳоншумул ўзгаришлар содир бўлмоқда. Айни пайтда нафақат ижтимоий, сиёсий ҳаётимизда, балки давлатчилик, қонунчилигимизда ҳам турмуш тарзимизга мос равишда туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Қувонарлиси, янги жамиятимиз фуқароларининг эркинлиги, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган, кафолатлайдиган қонуний ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Ўз ишини мувоффақиятли якунлаган Олий Мажлиснинг ўн учинчи сессияси ҳам жамиятимиз тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши шубҳасиз.

Сессияда қабул қилинган қонунлар бир неча ўн йиллар давомида халқимизга хизмат қилади. Уларнинг ҳаммаси кундалик турмушимизнинг энг долзарб муаммоларини қонуний ҳал қилишга қаратилган. "Уй-жой кодекси", "Реклама тўғрисида"ги, "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги ва бошқа қонун ҳужжатларининг қайси бирини олмайлик, уларнинг ҳаммаси зарурат эканлигини англаш унча қийин эмас.

Бундан ташқари, қонунчилигимизнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида ҳам алоҳида тўхталиш жоиз. Бу ўринда мен кўплаб қонуний актлар нафақат Ўрта Осиё, балки ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида бизнинг мустақил юртимизда биринчи бўлиб қабул қилинганлигини назарда тутаяпман. "Радиочастота спектори тўғрисида"ги қонун шулар жумласидандир. Бу қонун ўзига хослиги, ҳаво тўлқинларини эфирга узатишни ҳуқуқий тартибга солиш билан аҳамиятлидир. Хуллас, сессия ишчанлик руҳида ўтди. Халқ вакиллари бу гал ҳам бурчларига масъулият билан ёндашиб, ўз сайловчилари ишончини яна бир карра оқладилар.

**Ўз мухбирларимиз тайёрлашди.**

Шу сонга хабар

### БЕЛЬГИЯ ШЕРИКЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМНИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛДИ

Европа Иттифоқи Кенгаши Бош котибиятидан олинган хабарга кўра, 1998 йилнинг 23 декабрида Бельгия парламенти Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни ратификация қилиш жараёнини туగаллади.

Битим Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов томонидан 1996 йилнинг июнь ойида Флоренцияда имзоланган эди.

Бельгия Европа Иттифоқи Кенгашини Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни расман ратификация қилгани тўғрисида хабар қилган ўн тўртинчи давлат бўлди.

**«Жаҳон» АА**

